2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 23 (545), 2022 йил 2 февраль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ДОЛЗАРБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР

### алоҳида назоратга олиниб, ижроси сифатли таъминланади




**Жорий йилнинг 26 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ҳамда уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури муҳокама қилинди.**

**Муҳокама чоғида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.**

Ўз навбатида, ички ишлар органлари тизимида ҳам Ҳаракатлар стратегияси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йили Президентимиз таклифи асосида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилди. Натижада 1995 йилга қадар мамлакатимизда яшаган 50 мингга яқин фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқароси деб тан олинди.

Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида, Президентимиз ташаббуси билан бундан буён юртимизда 15 йил давомида истиқомат қилган, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам Ўзбекистон фуқароси деб тан олиш учун имконият яратилди. Яъни “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги” қонуннинг 6-моддасига кўра, ўтган йилнинг 14 июнида киритилган ўзгартишларга кўра, 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Давоми 3-бетда

**ИНСОН ҚАДРИ УЧУН**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ БОШ МАСЛАГИ

**Ҳаёт кишидан доимо ҳисоб-китоб талаб қилади. Умр мазмуни эришилган ютуқлар, эзгу мақсадлар билан ўлчанади, қадрланади. Мана шу азалий жараёнда инсонни улуғлайдиган ғоят муҳим қалб ислоҳоти борки, бу — дахлдорлик ҳисси, яратувчанлик мўъжизаси, инсонпарварлик тамойили. Асримизнинг йигирма иккинчи йилида биз янги тараққиёт даврига қадам қўяр эканмиз, беихтиёр хаёлимиздан шу фикрлар ўтади, ўтган беш йилда эришган ютуқларимиз кўз олдимизда гавдаланади.**

Давоми 4-бетда



**ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА**

# “GLOBAL TIMES”: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Хитойнинг йирик нашрларидан бири — “Global Times” Ўзбекистон ҳақида мақола эълон қилди. Унда мамлакатимизнинг янги тараққиёти ва Хитой билан дўстона муносабатлари ҳақида сўз боради.**

Давоми 2-бетда

**ИНСОНПАРВАРЛИК**

# ЯНА БИР ИМКОН, ИШОНЧ БЕРИЛДИ

### олдинда эса ана шу ишончни оқлаш, юртга муносиб фарзанд бўлиш вазифаси турибди

**Куни кеча Президентимиз “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.**

**Мазкур фармон билан жазо муддатини ўтаётган бир гуруҳ фуқаролар афв этилди. Озодликка чиққан шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш бўйича вазифалар ҳам белгиланди.**

Давоми 2-бетда

**БУГУННИНГ ГАПИ**

# МИЛЛАТНИ УЙҒОТИШ — УЙҒОНГАНЛАРНИНГ ВАЗИФАСИДИР

**Бу оламда яшар эканмиз, ҳар биримиз ўз олдимизга эзгу мақсадларни қўйиб, кўнгилга яхши ниятларни жамлаб яшаймиз. Ҳар бир одамнинг хоҳиши, орзуси ва ҳаттоки армонлари ҳам турлича бўлади. Бахт ҳақидаги тушунча ва бахтсизлик ҳақида хулосаларимиз ҳам турфа.**

Аммо фарзандларимиз келажаги ҳақида сўз юритганда, хулосамиз битта нуқтага бориб тақалади. Бу — Халқ таълими. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, миллион-миллион юлдузлар “Халқ таълими” деган сайёра атрофида айланади.

Давоми 6-бетда

**ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ**

# “ОБОД ҚИШЛОҚ”:

## манзили обод, кўнгиллари шод оқтомликлар

**“Ободлик кўнгилдан бошланади”, дейди доно халқимиз. Тошкент туманининг Кўксарой қишлоғида жойлашган “Оқтом” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларнинг кўнгли ҳам ана шундай обод, эртанги кунга бўлган ишончи юксак. Бу ерда яшайдиган қайси бир нуроний отахон ёки онахондан сўраманг, сўнгги йилларда маҳалла ҳудудида олиб борилган бунёдкорликдан тўлқинланиб, фахрланиб сўзлайди, бугунги фарахбахш кунларга шукрона келтиради.**



### Бугунги Оқтом, кечаги Оқтом эмас

— Оқтомга кўчиб келганимга бу йил қирқ йил тўлади, — дейди шу маҳаллада яшайдиган Дилдора ая Эгамбердиева. — Ўтган асрнинг 80-йилларида бу ерда на электр, на газ бор эди. Деярли эътибордан четда қолиб кетганди. Йўллар асфальт қилинмаган, устига-устак, у пайтларда маҳалламиздан автобуслар ҳам юрмасди. Яхши эслайман, ёғингарчилик мавсумида тупроқ кўчалар лой бўлиб кетар, оёғимиз лойга ботиб, бир амаллаб ишга бориб келардик. Маҳалламизда сув йўқлигидан аҳоли роса қийналарди. Қишлоққа сув келадиган ариқлар ҳам йўқ эди. Ичимлик сув махсус цистернали машиналарда ташилган. Биз навбатда туриб, челакларга сув тўлдириб олардик. Ҳозир шуларни ёшларга гапириб берсам, уларга эртакдек туюлиши мумкин. Яратганга беҳисоб шукрки, у кунлар ортда қолди. “Обод қишлоқ” дастури туфайли маҳалламиз обод бўлди. Маҳаллага қувур тортилиб, ҳар бир хонадон обиҳаёт билан тўлиқ таъминланди. Газ бўйича ҳам муаммо йўқ. Кўчаларимиз асфальтланган. Жамоат транспортлари бизни хоҳлаган манзилга етказиб қўяди.

Давоми 5-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

## МУНОСАБАТ

**Мактаб — инсон ҳаётида ўзига хос ўрин эгалловчи, унинг билимли, тарбияли камол топишида пойдевор бўлиб хизмат қилувчи зиё маскани. Бу ерга таълим-тарбия олиш учун қадам қўйган ҳар бир киши, энг аввало, ўзлигини англай бошлайди, аста-секин фанларнинг қизиқ, сеҳрли оламига қадам қўйиб, билимларни ўзлаштириш орқали бутун борлиқни тушуна боради. Бу жараёнлар натижаси ўлароқ ўз келажагини белгилайди.**

# МАКТАБ — БИЛИМ АСОСИ, ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



**Абдумалик АКРОМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Яхши ва сифатли таълим, айниқса, бугунги кунда зарурий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Билимлар пойдеворини эса мактаб давридаёқ мустаҳкам қуриш лозим. Оддий мисол: жамиятда қайсидир мавқега эга ёки илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда маълум даражага эришган инсон борки, унинг замирида мактаб таълимининг ўрни беқиёс аҳамиятга эга бўлганини такрор ва такрор таъкидлайди.

Жорий йил 28 январь куни Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан кўзланган мақсад ва унинг бош ғояси ҳам мактабни том маънода инсон камолотига, унинг илми, маданият, маърифати ҳамда тарбиясига пойдевор бўладиган маскан даражасига олиб чиқиш, бу борада мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, уни бартараф этиш ҳамда галдаги вазифаларни белгилашга бағишланди, десак айни ҳақиқат бўлади.

**Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, таълим-тарбия — келажак, ҳаёт-мамот масаласи. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимига пойдевор бугундан мустаҳкам қўйилмаса ва кимда-ким мактаб бу фақат Халқ таълими вазирлигининг иши, деб ўйласа, мутлақ янглишиши, мактаб таълими соҳасидаги ислоҳотлар вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар, илмий ташкилотлар зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур.**

Видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалаларга чуқурроқ тўхталиб ўтишдан олдин, аввало, сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларни таъкидлаб ўтишни жоиз, деб ҳисоблайман.

Яқин тарихга бир назар ташлаб кўрайлик. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган кезлари амалга оширган дастлабки хайрли ишларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида ўқиш муддатини 11 йил этиб белгилагани бўлди. Чунки фарзандларимиз таълими ва тарбиясида жуда катта эътибор, керак бўлса, назорат талаб қилинадиган вақтда касб-ҳунар коллежларига юборишни лозим топдик. Натижада нима бўлгани барчамизга аён. Биз уларга яхши билим беришни ҳам, ҳунар ўргатишни ҳам уддалай олмадик. Энг ачинарлиси, тарбияси билан ҳам жиддий шуғуллана олмай, миллий қадриятларимизга ёт бўлган "оммавий маданият" таъсирига тушишига шароит яратиб бердик. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг мактаб таълимини 11 йиллик этиб белгилаш билан боғлиқ дастлабки ислоҳоти ота-оналар томонидан энг тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарор сифатида эътироф этилди.

Ўтган вақт давомида шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларнинг таълим-тарбия олишига кенг имконият яратиб беришга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, улар қобилиятини янада ривожлантириш, мактаб таълими жараёнига ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш, замонавий билимлар ва чет тилларни пухта ўзлаштириш мақсадида Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Юқорида мактаб таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратдик, холос. Лекин бугун халқ таълими тизимидаги мактаблар ҳолати, моддий-техник имкониятлари, ўқитиш сифати ва самарадорлиги қандай эканини таҳлил қилиш, мавжуд муаммолар ҳақида мулоҳаза юритиш ҳам фойдадан холи эмас.

Мактаб таълимидаги бугунги мавжуд ҳолат рўй-рост баён этилган ва асосли равишда танқид қилинган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар, келтирилган фактлар ҳамда рақамларни таҳлил қилар эканман, таълим соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган педагог сифатида ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимни баён этишни лозим топдим.

Келинг, мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнидан келиб чиқиб, ўз олдимизга ўқувчиларни қаерда ўқитяпмиз, қандай ўқитяпмиз, ким ўқитмоқда, деган саволлар қўйиб, шу саволларга жавоб беришга уриниб кўрайлик.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда 10 минг 130 та мактаб бўлиб, уларда 6 миллиондан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Бугун мавжуд мактабларнинг 1 минг 695 таси мукаммал таъмирга муҳтож. Энг ачинарлиси, мамлакатимиз бўйича 179 та мактаб биноси пахсадан қурилган. Шунингдек, йиғилишда 3 мингдан зиёд мактабда ўқувчилар сони меъёридан ортиқлиги сабабли қўшимча ўқув бинолари қуриш лозимлиги, 2 мингдан ортиқ мактабда эса спорт зали мавжуд эмаслиги ҳамда янги аҳоли яшаш массивлари, қишлоқ инфратузилмаси кенгайиши ва аҳолининг ўсиши ҳисобига 270 та янги мактаб қуришга эҳтиёж борлигига эътибор қаратилди.

Албатта, юқорида санаб ўтилган рақамлар ўз-ўзидан келиб қолмаган. Агар статистикага эътибор берсак, 1990 йилдан кейин Ўзбекистон аҳолиси салкам 15 миллионга ортиб, бугун 35 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан юқорида келтирилган рақамлар мустақилликка эришганимиздан сўнг салкам 25 йил вақт давомида аҳоли сонининг ўсишига мутаносиб равишда мактаблар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишларига етарли эътибор берилмагани натижаси.

Энди мавжуд мактабларда таълим қандай ташкил этилганига эътибор қаратайлик. Айтиш жоизки, халқ таълими тизимида фойдаланиб келинаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақатгина назарий билим беришга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, амалий кўникмаларини шакллантириш, Президентимиз таъбири билан айтганда, уларни ҳаётга тайёрлашга хизмат қилмайди.

Мактаб кутубхоналаридаги китоб фондлари йиллар давомида янгиланмагани ва юртимиздаги 615 та мактабдагина миллий мусиқа анжомлари мавжудлиги эса ёшларни "Беш ташаббус" доирасида китобхонликка кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқага қизиқишини оширишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мактабларда фаолият олиб бораётган 504 мингдан зиёд ўқитувчининг 12 фоизи ўрта махсус маълумотли, 38 фоизида эса умуман, малака тоифаси йўқлиги, бу педагогларнинг дарс ўтиш маҳорати етарли эмаслиги ҳам жиддий муаммолардан. Соғлом рақобат муҳити йўқлиги, ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши ва уларни рағбатлантириш тизими яратилмагани, ўқитувчи сифатли дарс ўтиш эмас, кўпроқ соат олишга интилиши таълимга салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бўлиб, ўтган ўқув йилида республика бўйича 84 та мактабнинг бирорта битирувчиси олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмагани бунинг яққол исботидир.

**МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИДАГИ КИТОБ ФОНДЛАРИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЯНГИЛАНМАГАНИ ВА ЮРТИМИЗДАГИ 615 ТА МАКТАБДАГИНА МИЛЛИЙ МУСИҚА АНЖОМЛАРИ МАВЖУДЛИГИ ЭСА ЁШЛАРНИ "БЕШ ТАШАББУС" ДОИРАСИДА КИТОБХОНЛИККА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, МИЛЛИЙ МУСИҚАГА ҚИЗИҚИШИНИ ОШИРИШГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШИ МУМКИН.**

Хулоса қилиб айтганда, мактабда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос лаёқати мавжуд. Агар биз мактаб таълимида ўзгариш қилишни миллатнинг, халқнинг эртанги куни — келажагига боғлиқ жиддий масала сифатида қабул қилар, ўқитувчилар ўз фаолиятига креатив ёндашиб, боладаги лаёқатни қобилият даражасига кўтара олар эканмиз, фарзандларимиз ақлли, билимли, рақобатбардош мутахассис сифатида камол топади. Юртимиздаги ҳар бир болага сифатли таълим-тарбия бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва қобилиятини руёбга чиқаришга етарли шароит яратиб бериш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

## ИНСОНПАРВАРЛИК

# ЯНА БИР ИМКОН, ИШОНЧ БЕРИЛДИ

## олдинда эса ана шу ишончни оқлаш, юртга муносиб фарзанд бўлиш вазифаси турибди

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, озодлик инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири. Унинг қадрини билиб-билмай жиноят содир этган ва бугун қилмиши сабаб панжара ортида турганлар жуда яхши англайди. Бир лаҳза бўлса-да ўз уйида, ота-онаси ва фарзандлари бағрида бўлиш улар учун энг катта орзу.

Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик, олижаноблик каби эзгу фазилатларни намоён этган фармон билан жазо муддатини ўтаётган 63 фуқаро афв этилди.

— Президентимизнинг мазкур фармони билан афв этилган бу инсонларнинг ҳаётида, тақдирида мутлақо янгича мазмун кашф этилди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарҳод Боқиев. — Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони асосий мазмун-моҳияти ҳам инсон қадри ва уни улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Давлат дастурида жиноятга қўл урган шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтариш бўйича янги тизим жорий этиш лозимлиги белгиланди. Бунда инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги колонияларда меҳнат қилаётган маҳкумларнинг иш стажи умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

**Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазо муддатини ўтаб озодликка чиққан шахслар жамиятда ўз ўрнини топа олмаётгани сабабли баъзан яна жиноят йўлига кириб қолмоқда. Бунга барҳам бериш мақсадида озодликка чиқаётган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети тизими жорий қилинади.**

Бунинг натижасида маҳкумлар пенсия таъминотини яхшилаш орқали уларнинг молиявий муҳтожлик ортидан такроран жиноят содир этиши олди олинади. Маҳкумларда меҳнат қилиш иштиёқи ортади, ишлаш жараёнида келгусида ўзини таъминлашга имкон берадиган касб-ҳунар эгаллашга муваффақ бўлади. Қолаверса, бу халқаро инсон ҳуқуқлари ва пенитенциар ҳуқуқ тизимлари рейтинг ва индексларида республикамизнинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

— Ҳужжатларни ўрганиш ва маҳкумлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиш жараёнида жамиятда ўз ўрнини топиб кетади, деган хулосага келинган тақдирда, комиссия томонидан таклиф киритилади, — дейди Олий суд судьяси Шамсиддин Тожиев. — У содир қилган жиноятига пушаймонми, тузалиш йўлига ўтганми, бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинади. Фармонга мувофиқ, 44 нафар фуқаро жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиниб, яқинлари бағрига қайтарилди. Шунингдек, 19 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

**Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошган фуқаро ташкил этади. Бу, шубҳасиз, адашган, лекин адашганини англаб етган кишиларга яна бир имкон бериш, уларнинг жамиятдаги мавқеи, оиладаги ўрнини қайта тиклаб олиши учун шароит яратиш, мамлакатимизда илгари сурилаётган "Инсон қадри учун" ғоясининг амалда ўз ифодасини топаётгани далилидир.**

**Ҳеч ким яқинларини ўзидан йироқда, тутқунликда кўришни истамайди. Оила, қадрдонлар даврасида ўтган ҳар бир кун, ҳар лаҳза байрам. Шу боис, ота-онаси ва фарзандлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Улар бу ердан озодлик, эркинликнинг қадрини юз карра англаб чиқяпти.**

— Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги фармони билан озодликка чиқдик, — дейди Рустам Жуманиёзов. — Мен шу нарсани англаб етдимки, озодликнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас экан. Бу давр мобайнида озодликда бўлганимда қанчадан-қанча ютуқларга эришган бўлардим. Афсуски, кўп яхши кунларимни панжара ортида ўтказишга тўғри келди. Ота-онам, акам, синглим оламдан ўтиб кетди. Яқинларимни сўнгги манзилга кузата олмадим. Фарзандларим тарбиясига ҳам эътибор бермадим. Энди бу имкониятдан фойдаланиб, фарзандларимга тўғри тарбия бераман. Бу ерда дурадгорлик ҳунарини ўргандим. Эндиликда шу касб билан оиламни тебратишга ҳаракат қиламан.

Афв этилганлар бундан кейин нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошлар, кенг жамоатчилик эътиборида бўлади. Фармонда афв этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш мақсадида масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**АФВ ЭТИЛГАНЛАР БУНДАН КЕЙИН НАФАҚАТ ОИЛА АЪЗОЛАРИ, БАЛКИ МАҲАЛЛАДОШЛАР, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА БЎЛАДИ. ФАРМОНДА АФВ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА МОСЛАШИБ, ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШИ УЧУН УЛАРГА КЎМАК БЕРИШ МАҚСАДИДА МАСЪУЛ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРГА ТЕГИШЛИ ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ.**

— Давлатимиз раҳбари томонидан тузалиш йўлига ўтганларни афв этишлик, инсонга бўлган юксак эътибор, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков. — Аллоҳ инсонларни ўзгалардан етадиган хато камчилик, озор, заҳматларни афв этишликка буюради. Диний соҳа вакиллари, жойлардаги имом-хатиблар ҳам бевосита уларнинг ҳолидан хабар олади, уларга йўл-йўриқ кўрсатади. Бу ишларда мазкур соҳа вакиллари, имом-хатибларимиз ишлари бардавом бўлади, иншааллоҳ.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз фармони билан афв этилган юртдошларимизга яна бир имкон, ишонч берилди. Олдинда эса ана шу ишончни оқлаш, юртга муносиб фарзанд бўлиш вазифаси турибди.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

## ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

# "GLOBAL TIMES": ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

"Қисқа тарихий давр ичида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари дўстлик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган стратегик шериклик характерига эга бўлди. Сўнгги йилларда савдо, инвестиция, энергетика, транспорт, коммуникация, маданий-гуманитар алмашинув, туризм каби соҳаларда жуда жадал ва кўп қиррали ҳамкорлик кузатилмоқда", — дейилади мақолада.

**Нуфузли газета ёзишича, 25 январь куни бўлиб ўтган "Марказий Осиё давлатлари — Хитой" саммити чоғида Ўзбекистон ва Хитой етакчилари ҳам икки томонлама, ҳам "Бир макон, бир йўл" ташаббуси ва ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва кўп қиррали стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини тасдиқлади. Таъкидланганидек, "улар орасида электрон тижорат ва рақамли логистика, яшил технологиялар, муқобил энергия, инновациялар, COVID-19 га қарши кураш ва бошқалар бор".**







Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислигига алоҳида эътибор қаратилган: "Ўзбекистон 2022 йилдаги раислик даврида SEO-савдосини ривожлантириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини, ШҲТ саноат ҳамкорлиги дастурини, транспорт алоқаларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, камбағалликни камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ахборот хавфсизлиги форумини ташкил этиш, "халқ дипломатияси"ни фаоллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг ўзаро манфаатли лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият беришни таклиф қилмоқда".

Мақолада икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик самаралари қайд этилган. "Ўзбекистонлик талабалар Хитойнинг нуфузли олий ўқув юртларида замонавий мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Ўзбекистонлик ёшларнинг хитой тилини ўрганишга қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда", дейилади мақолада.

Шунингдек, газета ўз ўқувчиларини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, унинг истиқболли жиҳатлари ва "Бир макон, бир йўл" ташаббусида мамлакатимизнинг фаол иштироки билан яқиндан таништирган.

"Ўзбекистон Хитой билан ҳам икки томонлама форматда, ҳам халқаро тузилмалар, жумладан, ШҲТ доирасида алоқаларни мустаҳкамлаш, ёшлар мулоқотини фаоллаштириш бўйича ташаббусларни амалга ошириш учун келгусида самарали ҳамкорлик қилишга тайёр", дея хулоса қилади нашр.

Эслатиб ўтамиз, "Global Times" Хитойнинг етакчи нашрларидан бири бўлиб, халқаро ҳаётни ёритишга ихтисослашган.

**Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ДОЛЗАРБ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР

## алоҳида назоратга олиниб, ижроси сифатли таъминланади



**Пўлат БОБОЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант**

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда мазкур имкониятдан фойдаланган 13 мингга яқин фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳужжатлари қабул қилиниб, шундан 4 мингдан зиёди Ўзбекистон фуқароси сифатида тан олинди. Бу борадаги амалий ишлар давом этмоқда.

Ҳудуддан қатъи назар, транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, давлат рақам белгиларини бериш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди. Бу орқали жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўрикдан ўтказилиши белгиланди.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назорат тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 125-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, ҳозирги кунда жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги (енгил) транспорт воситалари республика бўйича тадбиркорлик субъектларига тегишли диагностика станцияларида мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши йўлга қўйилди. Мазкур қарор билан автотранспорт воситалари эгалари учун бир қатор қулайликлар яратилди.

Жумладан, жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари эгаларининг хоҳишига кўра, экстерриториаллик тамойили асосида хоҳлаган ҳудудда техник кўрикдан ўтказилиши белгиланди.

Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш даври 1 январдан 31 декабрга қадар этиб белгиланди (аввал апрель-сентябрь ойлари эди).

Янги транспорт воситаларини ДЙҲХХ органларида рўйхатга олишда техник кўрикдан ўтказиш, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб эса барча транспорт воситаларига техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги талонларни бериш амалиёти бекор қилинди.

2021 йил 1 августдан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳон қабул қилиш тартиби жорий этилиб, мазкур жараённи жамоатчилик томонидан, шу жумладан, интернет тармоғи орқали кузатиш имкони яратилди.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган тизим жорий қилиш ишлари янада жадаллаштирилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиляпти.

Жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ва маҳаллалар тоифаларга ажратилиб, ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда "жиноят ўчоқлари"ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситалар жалб қилинмоқда. "Республика — вилоят — туман — маҳалла" тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмлари жорий этилди.

Соҳани тўлиқ рақамлаштириш йўналишида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Босқичма-босқич ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилмоқда. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи "Smart mahalla" ахборот дастури ишга туширилди.

Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлими ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшаётган штат бирликлари пойтахт ички ишлар органларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилди. Туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ички ишлар вазирлигида Тезкор-қидирув департаменти, Жамоат хавфсизлиги департаменти, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳамда Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ҳамда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури билан адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакат хавфсизлигини кучайтириш борасида ички ишлар органлари олдига ҳам бир қатор долзарб вазифалар қўйилди.

**Биринчидан,** Давлат дастурида жиноятга қўл урган шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтариш бўйича янги тизим жорий этиш лозимлиги белгиланди. Бунда инсонпарварлик ва бағрикенглик принципларидан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги колонияларда меҳнат қилаётган маҳкумларнинг колониядаги иш стажи умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

Бунинг натижасида маҳкумларнинг пенсия таъминотини яхшилаш орқали улар томонидан молиявий муҳтожлик ортидан такроран жиноят содир этилишининг олди олинади. Маҳкумларда меҳнат қилиш иштиёқи ортади, ишлаш жараёнида келгусида ўзини таъминлашга имкон берадиган касб-ҳунар эгаллашга муваффақ бўлади. Қолаверса, бу халқаро инсон ҳуқуқлари ва пенитенциар ҳуқуқ тизимлари рейтинг ва индексларида республикамизнинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан шахслар жамиятда ўз ўрнини топа олмаётганлиги сабабли яна жиноят йўлига кирмоқда. Бунга барҳам бериш мақсадида озодликка чиқаётган фуқароларни келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда жазони ўтаб бўлган ва ўзининг аниқ лойиҳасини (тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, меъморчилик ва ҳ.к.) тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилади. Натижада йилига ўртача 1 300 дан ортиқ судланган шахсларни дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакетидан фойдаланиши учун имконият яратилади. Судланган шахсларнинг "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"дан мақсадли фойдаланганлиги, ижтимоий алоқаларини тўлиқ тиклаганлиги, хулқ-атвори ва меҳнат фаолиятини беш йил давомида мониторинг қилиб бориш бўйича идоралараро назорат тизими жорий этилади.

**Иккинчидан,** Давлат дастуридаги яна бир муҳим масала — ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтиришдир. Бу борада ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланувчи муассасаларни боғлаб турувчи ягона электрон тизим яратилади ва муассасаларда сақланаётган контингент ҳақида аниқ ва тезкор маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилади. Ягона электрон реестрнинг ишга туширилиши натижасида ҳаракатланиши чекланган шахслар муассасага жойлаштирилган вақтдан бошлаб ваколатли муассасанинг маъмурияти томонидан мазкур реестрга киритиб бориш тартиби белгиланади ҳамда муассасаларнинг очиқлиги ва шаффофлиги тўлиқ таъминланади.

**Учинчидан,** Давлат дастури доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилади. Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан зудлик билан ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар қилиниши шартлиги белгиланган. Бироқ ички ишлар органларига хабар бериш ва уларни рўйхатга олиш борасида инсон омили иштироки сабабли, ҳуқуқбузарлик фактлари ҳамда улар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида хабарлар зудлик билан ички ишлар органларига берилмасдан яшириш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу боис, мазкур муассасалар билан ички ишлар органлари ўртасида ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш орқали хабарларни зудлик билан ички ишлар органларига келиб тушиши ва уларни рўйхатга олинишини таъминлаш, тергов-тезкор гуруҳларини воқеа жойига тезкорликда етиб бориш имкони яратилади.

Ички ишлар органларида "E-ma'muriy ish" электрон тизими жорий этилган бўлиб, республика бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда қонуний чора кўриш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идораларнинг электрон тизимлари билан интеграция қилинган. Мазкур тизимга янги автоматлаштирилган ахборот тизимини интеграция қилиш ёрдамида бир йил давомида такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар ҳисобини бир йил мобайнида юритиш ва муддат ўтиши билан автоматик равишда ҳисобдан олиб ташлаш имконияти яратилади.

**Тўртинчидан,** Давлат дастури доирасида жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш белгиланган. Бу борада текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ва барча маълумотларни жойида текшириш тизими йўлга қўйилади. Натижада ходимлар вақти тежалиб, патруллик йўналишлари назоратсиз қолиши, энг асосийси, фуқароларнинг овора бўлишининг олди олинади.

Мазкур вазифаларни амалиётга татбиқ этиш ходимларни хизмат жараёнида фойдаланиши учун 4 000 дан ошиқ электрон планшетлар билан таъминлашни тақозо этади. Ушбу планшетлар ички ишлар органларининг электрон ахборот тизимларига интеграция қилиниб, шубҳа уйғотган фуқарони ички ишлар органига келтиришни истисно этган ҳолда, уни тегишли ахборот базалари орқали жойида текшириш йўлга қўйилади.





Ходимларнинг бодикамералар билан хизмат олиб бориши хизматнинг шаффофлигини таъминлайди. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан ходимларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар олди олинишига хизмат қилади. Масалан, Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш тизими ходимларига 2 мингга яқин бодикамера тарқатилиб, хизмат олиб бориши йўлга қўйилиши ўзининг ижобий самарасини берди.

Бугунги кунда патруль-пост хизмати бўлинмалари хизмат ўташи белгиланган 48 та йирик шаҳарда 2 751 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда, 4 298 та патруллик йўналишлари ташкил этилган. Патруль хизматининг босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказилиши 5-6 та пиёда патруль наряди йўналишларини 1 та автоэкипаж йўналиши билан қамраб олиш имконини беради. Шунингдек, патруллик нарядларининг юқори мобиллиги воқеа содир этилган жойга қисқа муддатларда етиб боришини таъминлайди.

**Бешинчидан,** Давлат дастури доирасида йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш белгиланган. Бугунги кунда йўлларнинг ҳолати тобора сони ўсиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликларсиз ҳаракатланишини таъминлашга имкон бермайди. Бунинг устига йўл ҳаракати иштирокчилари учун ҳаракатни ташкил этиш тўғри ва тизимли йўлга қўйилмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, йўл ҳаракати қатнашчиларига қулайлик яратиш мақсадида, 4 246 километр аҳоли яшаш пунктларида пиёдалар учун тротуарлар, 4 147 километр аҳоли яшаш пунктларида ва уларни боғловчи йўлларда велойўлаклар барпо этилиши, 4 448 километр аҳоли яшаш пунктлари сунъий ёритилиши, 701 та светофор (325 та светофор транспортлар учун ва 376 та светофор пиёдалар учун) ўрнатилиши, 208 та ер усти ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларини қуриш лозим. Яна 2 731 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари сунъий ёритилиши, 81 та йўл ўтказгичлар қуриш, 2 310 та жойда шовқин чизиқларини чизиш, 2 904 та жойда ўрнатилган талаб асосида сунъий нотекисликларни ташкил этиш керак.

Бундан ташқари, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Республикамиздаги 560 та чорраҳада ақлли (смарт) светофорлар ўрнатилади, 600 та чорраҳа ақлли интеллектуал камералар билан ҳамда тезлик ўлчовчи қурилмалар билан жиҳозланади, 2 500 км. узунликдаги йўлларда йўл чизиқлари замонавий технологиялар билан чизилади, 500 та пиёдалар ўтиш жойлари ақлли интеллектуал камералар ҳамда сенсор қурилмалари билан жиҳозланади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим ягона бошқарув асосида ишлаши, тўлиқ автоматлаштирилганлиги билан бир қаторда, электр таъминоти билан боғлиқ муаммоли вазиятларда тўлиқ автоном режимда бир неча соат ишлай олиш каби бир қатор афзалликларга эга.

Шу билан бирга, республикадаги йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳар тўртинчиси белгиланган тезлик меъёрларини бузиб ҳаракатланиш оқибатида келиб чиқаётганлигини инобатга олган ҳолда, йўлларда онлайн тизимда ишловчи тезликни ўлчаш мосламалари ҳамда учувчисиз аппаратлар ёрдамида транспорт оқимини назорат қилиш ва тезкор бошқаришнинг электрон тизимини йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётган ҳайдовчиликка номзодларни ўқитиш ва улардан имтиҳонлар қабул қилиш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилади. Бунда, ўқув ташкилотлари фаолиятини тўлиқ тафтишдан ўтказиш, уларга лицензия бериш тизимини комиссия тартибида ташкиллаштириш, ўқув методикасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, ташкилотларнинг моддий техник базасини кучайтириш орқали таълим бериш сифатини яхшилаш, номзодларни ўқитиш учун тўлов ставкаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда республика бўйича ягона нарх белгилаш каби масалалар тўлиқ қайта кўриб чиқилади.

Келгусида имтиҳон олиш тизими ҳам бутунлай ўзгаради. Тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда, республиканинг ҳар бир ҳудудида замонавий, тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда инсон омили бутунлай чекланган имтиҳон олиш марказлари ташкил этилади ва номзодлардан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар махсус ўлчаш ускуналари (датчик)лар билан жиҳозланган автомобилларда олинади.

Республикадаги мунтазам ЙПХ масканларини рақамлаштириш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги оширилади. Бунда, ҳозирда мавжуд 29 та йўл-патруль хизмати масканларига замонавий ахборот коммуникациялари ва технологияларини жорий қилган ҳолда, ушбу масканларда инсон омилисиз транспорт воситаларининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш, "яшил" ва "қизил" йўлак тамойили асосида ягона тизим босқичма-босқич жорий этилади.

Тизимнинг жорий этилиши ходимлар ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни чеклаш, қоғоз кўринишидаги баённомалардан воз кечиш, ходимларнинг иш фаолиятини онлайн назорат қилиш, вақтни тежаш, қоидабузарлик тўғрисида "SMS" хабар юбориш каби қулайликларни яратди.

Бугунги кунда мавжуд тизимларни Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг "Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими"га жойлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жорий қилиниши натижасида республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисалари, тирбандликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, қидирувдаги шахсларни аниқлаш, жиноятларнинг "иссиқ изидан" очилиши ва йўл инфратузилмаси ривожланиши таъминланади.

**Олтинчидан,** Давлат дастури доирасида ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш кўзда тутилган. Бу борада тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга, инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган тизим сифатида шакллантириш назарда тутилади.

Ушбу ҳужжатга кўра, ички ишлар органлари ходимларининг "Касбий маданият кодекси" ишлаб чиқилиб, уни амалиётга самарали татбиқ этиш механизмлари белгилаб берилади. Ички ишлар органларини халқпарвар ходимлар билан тўлдириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги ҳамда ижтимоий фикр асосида баҳолаш тизими жорий этилади.

"Инсон қадри учун" тамойилига асосан, хизмат олиб борувчи янги Ўзбекистон Ички ишлар органлари тизимини яратиш мақсадида соҳани билимли, замонавий фикрлайдиган, юксак инсоний ва профессионал салоҳиятга эга ёш кадрлар билан тўлдиришга алоҳида урғу берилган. Ички ишлар органларида Жамоатчилик кенгашларини тузиш орқали тизим фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш назарда тутилмоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятини аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш, унинг хизмат фаолиятига хос бўлмаган функция ва тузилмаларини мақбуллаштириш мақсадида амалга оширилаётган фаолият тўлиқ хатловдан ўтказилади. Барча куч ва воситалар маҳалла фуқаролар йиғинларида самарали фаолият ташкил этишга йўналтирилиб, тегишли масъул раҳбарлар фаолиятига маҳалла миқёсида амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги асосида баҳо берилади.

**Еттинчидан,** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфаси шакллантирилиб, улар фаолияти халқ манфаатлари, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилади.

2022 йилнинг 1 апрелига қадар республиканинг барча минтақаларида "Smart mahalla" электрон дастурини жорий қилиш режалаштирилган.

"Smart mahalla" электрон дастурининг афзалликлари шундаки, аҳоли мавжуд муаммолари бўйича уйидан туриб, туну кун тўғридан-тўғри яшаш жойи бўйича сектор раҳбарларига мурожаат этиши, муаммоларини бартараф этган сектор раҳбарининг фаолиятига холисона баҳо бериш имкониятини яратади.

Шунингдек, аҳоли тўғридан-тўғри сектор раҳбари ва ҳудудий профилактика инспекторига мурожаат қилиб, натижаси бўйича ахборот олиш, юқори турувчи органларга шикоят қилиши мумкин бўлади. Айни кунларда Самарқанд вилоятида "Smart mahalla" электрон дастури тест режимида синовдан ўтказилмоқда. Бугунги кунда вилоятда яшовчи 688 мингдан ортиқ фуқаро ушбу дастурга уланган.

Ўтган йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд этувчи "102" тизими йўлга қўйилди. Мазкур тизим орқали жиноятлар ҳақидаги барча ариза ва хабарлар инсон аралашувисиз автоматлаштирилган тарзда қайд этилади. Эндиликда ушбу тизим орқали аввал турли майда нохуш ҳолатлар (телефон, велосипед бошқа қиммат бўлмаган буюмлар йўқолиши, кўчадаги жанжал каби) бўйича хабар бермаганлар ҳам ички ишлар органларига мурожаат қилмоқда.

**Саккизинчидан,** фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга эришилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят Кодексининг шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш билан боғлиқ моддалари такомиллаштирилади.

Хусусан, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил қилувчи маълумотларни унинг розилигисиз тарқатганлик учун назарда тутилган маъмурий жавобгарлик, бундай маълумотларни интернет тармоғи орқали тарқатганлиги учун жиноий жавобгарлик, маълумотларни ноошкора равишда йиғиш учун мўлжалланган махсус техник воситалар ёрдамида қонунга хилоф равишда йиққанлик учун жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилади.

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида Ички ишлар органлари олдига қўйилган долзарб ва масъулиятли вазифаларнинг бажарилиши Вазирлик раҳбарияти томонидан алоҳида назоратга олиниб, сифатли ижроси таъминланади. Бунинг учун Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимларининг имконияти ҳам, салоҳияти ҳам етарлидир.



www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ БОШ МАСЛАГИ



**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**академик**

Бошланиши 1-бетда

Сезяпсизми, халқимиз дунёқараши ўзгарди. Бу ҳар биримизнинг ҳаётимизда тонгдан то тунга қадар ўз аксини топа боради.

**Ўтган тонг:** одамлар уйғонгач, нима иш қилишини аниқ билмас, ҳафсаласиз кайфият билан нонушта қилгач, томорқа айланиб бемақсад кезар, нари борса, уч-тўртта дарахтнинг тагини юмшатиб, сув қуяр, хаёлида эса рўзғор ташвишлари ғужғон ўйнарди.

Чунки у ишсиз. Ишлаш учун имкон йўқ. Биров келиб "ҳолинг не кечмоқда", деб сўрамаган. Иш излаб борадиган жойи йўқ. Маҳалла раиси билан маслаҳатлашишдан не наф. Унинг ўзи ёрдамга муҳтож. Ҳокимни-ку топиб бўлмайди. Кабинетига кириш у ёқда турсин, ҳокимият биноси эшигига ҳам яқинлаштирмайди.

Масала эр-хотиннинг даҳанаки жанги билан давом этади. Бу томонда фарзандлар қалби эзилган...

Одамлар дунёқарашида оғир изтироб ва умидсизлик ҳукмрон эди.

**Бугунги тонг:** ҳар бир оилага барака инган. Ҳоким уйма-уй юрибди, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари ўз ҳудуди фаровонлиги йўлида катта кучга айланган. Кимнингдир уйига иссиқхона қуриб берилган, кимгадир томорқада деҳқончилик қилиши, чорва ва бошқа тирикчилик асоси билан шуғулланиши учун зарур маблағ ажратилган. Ҳар бир тонг катта ислоҳотлар билан бошланади. Қишлоқларнинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгарган — файзли бўлган. Хуллас, бу ҳақда узоқ гапириш мумкин.

Бу одамларнинг дунёқарашига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Оилаларда жанжал, ажрашишлар сони камайди. Фарзандлар кўнгли кўтарилиб voyaga етмоқда. Демак, ҳаммаси ислоҳотга боғлиқ.

Дарвоқе, француз ёзувчиси Луи Арагон айтганидек, одам нимадан ҳайратланса, ўшани кўнглига яқин олади. Биз ҳам кейинги йилларда янги Ўзбекистон ислоҳотларидан ҳайратланиб, фахрланиб яшаяпмиз. Шу боис, бугунги кунларни бениҳоя қадрлаймиз, ўзимиз ҳам муносиб бўлишга интиламиз.

## Нима учун шундай бўлиши керак?

Шу кунларда ижтимоий тармоқлар орқали айрим юртларда содир бўлаётган мудҳиш ҳодисалар ҳақида кўп эшитяпмиз. Замон таҳликали. Узоқ мамлакатларни қўя турайлик, биродар қўшнимиз — Афғонистондаги бугунги вазият ҳам ҳар биримизни сабоқ олишга, хулоса чиқариш ва шукр қилишга ундайди.

Интернетдан келаётган хабарларга кўра, бу мамлакатда норасида гўдаклар, аёллар оч-юпун қолмоқда, ҳатто болалар очликдан ҳалок бўлаётгани ҳақида ҳам хабарлар тарқалди. Афғон оналари овқат топиш илинжида буйракларини, бегуноҳ, ҳали бу дунё лаззатини тотмаган фарзандларини очликдан вафот этмаслиги учун бегоналарга, ўзга юртларга сотаётган экан...

Ўзбекистон эса бугун яшаш учун энг қулай, тинч ва осойишта мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

## Бунга қандай эришилди?

Аввало, бундан беш йил муқаддам Президентимиз узоқни кўзлаб ишлаб чиққан Ҳаракатлар стратегияси асосида шу тароватли кунларга етиб келдик. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бугун юртимиз тинч-осойишта, ҳар бир кунимиз ўзгача файзли ва қут-баракага тўла ўтмоқда.

Ўтган беш йиллик тараққиёт йўли осон бўлмади. Машаққатли меҳнатлар, бедор тунлар, фидойилик ва жонкуярлик билан катта ютуқларга эришдик.

Гап шу ҳақда кетганида, аввало, халқни эшитиш механизми йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Ҳар бир ҳудудда Президентнинг Халқ қабулхоналари иш бошлади. Дастлаб оилавий, маиший муаммолардан бошланган мурожаатлар вақт ўтгани сайин маҳалла, қишлоқ, туман ва ҳатто давлат миқёсидаги масалаларга бориб тақалди.

Бу нимадан далолат? Демак, халқчил тизим самара берди. Минглаб юртдошларимизнинг оилавий муаммоларига ечим топилди. Ўз-ўзидан равшанки, бу оилаларга файзу барака кириб борди. Киши, қачонки оиласида хотиржамлик бўлса, кейин атрофга назар ташлайди, жамиятга аралашади, ўзини юртдаги ислоҳотларга дахлдор сезади.

Минглаб уйга муҳтож оилалар "ватан ичра кичик ватанли" бўлди. Маиший муаммолар ботқоғидан чиқди. Адолатли ижтимоий ҳимоя таъминоти



кўз ўнгимизда содир бўлди. Буни "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" саҳифаларида ўқиш мумкин.

Ҳозир 2017-2021 йилларда биз эришган ютуқларни санасак, том-том китоб бўлади. Бир сўз билан айтсак халқимиз Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифини, телевидение орқали чиқишини интиқ кутадиган бўлди. Сабаби, давлатимиз раҳбарининг вилоятларга, қишлоқ ва маҳаллаларга ташрифи чоғида узоқ йиллар оддий инсонлар ташвишини ортмоқлаб келган муаммоларга адолатли ечим топилди, ҳар бир ўтказган йиғилишида фақат ва фақат халқ дарди ўйланди.



## Янги давр бошланди

Президентимиз **"Янги Ўзбекистон стратегияси"** китобида *"Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.*

*Биз бу йўлда ислоҳотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатини ишга солишимиз зарур, Шундагина янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади",* дея таъкидлагани бежиз эмас.

Бугун, янги давр остонасида, шу олий мақсад йўлида барча куч ва ғайратимиз, шижоату шаҳдимиз, муддаоларимиз бирлашган.

Президентимиз яқинда **"2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармон**ни имзолади. Мана шу тарихий фармон муқаддимасида келтирилганидек, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин** қонун, **4 мингдан зиёд** Президент қарорлари қабул қилинди.

Бу айтишга, қоғозга туширишга осон. Аслида эса, ана шу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида турмуш фаровонлигини таъминлаш, қандай оғир бўлса-да, халқимиз учун муносиб яшаш шароитини яратиш мақсади мужассам эди. Пировардида, халқчил тузум, янги давлат барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.



Навбат иккинчи миллий тараққиёт босқичига етиб келди. Бу йўлда мақсадимиз аниқ, қароримиз, шаҳдимиз қатъий. Энг муҳими, бу мақсадларга эришиш йўлларини жуда яхши биламиз.

Юқорида халқимиз дунёқараши ўзгаргани ҳақида кичик мулоҳаза юритдик. Шу маънода, бугун юртдошларимиз катта-катта режалар қилишга киришган, орзулари, мақсадлари улкан. Тараққиёт стратегиясида ана шу олий мақсадлар, эзгу ниятлар рўёби учун ҳуқуқий асос яратилган, дейиш ўринли бўлади.

Фикримизни айрим мисоллар билан асослашдан олдин, икки оғиз янги стратегиянинг қабул қилиниш жараёни ҳақида тўхталсак. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини тасдиқлашни кўзда тутувчи Президент фармони лойиҳаси муҳокамасида халқимиз 17 минг 535 та таклиф билан иштирок этди. Бу таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш якунига кўра, лойиҳага қарийб 100 та концептуал ҳамда 200 дан ортиқ аниқ характерга эга ўзтартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда халқимиз учун жуда муҳим бир жиҳат ҳақида тўхталишни ҳам жоиз билдик. Гап шундаки, бизга маълум бўлишича, фармон лойиҳаси муҳокамаси жараёнида билдирилган таклифларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолган эмас. Тўғри, қабул қилинмаган таклифлар ҳам кўп. Лекин улар бўйича ҳар бир таклиф эгасига масъул ходимлар томонидан атрофлича тушунтириш берилади. Уларнинг аксарияти олдимиздаги ислоҳотлар жараёнида назарда тутилади. Токи, "Инсон қадри учун" деган ҳаётбахш тамойил асосида ҳар бир фуқаронинг фикри муҳим, халқ ҳокимиятининг бош талаби ҳам шу.



Хуллас, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **7 та йўналишда 100 та мақсад**ни амалга ошириш кўзда тутилган. Буларнинг ҳар бири ҳақида китоб ёзиш мумкин.

Биз биргина **тўртинчи йўналиш — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш** ҳақида сўз юритсак. Бу йўналишда **34 та мақсад**ни амалга ошириш режалаштирилган.

## Капитал тараққиёт

Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни тугатишга қарши жиддий кураш кампанияси авж олди. Ана шу жараёнда Ўзбекистон етакчиси жуда оқил йўл танлаганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Гап шундаки, Тараққиёт стратегиясида ишсиз, лекин касб-ҳунар ўрганишга хоҳиш-истаги бор фуқароларни давлат ҳисобидан ўқитиш режалаштирилган. Битта шу мақсад билан келгусида 1 миллион ишсиз фуқаро касб-ҳунар эгаси бўлади. Энди тасаввур қилинг, 1 миллион юртдошимиз касб-ҳунарли бўлса, унинг атрофида яна қанча яқинлари бу тизимдан баҳраманд бўлиши кундек равшан.

Яна бир муҳим жиҳат. Яқин истиқболда мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, мактабларни ривожлантириш Миллий дастурини жорий этиш, ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиш, олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсад қилинган.

Аслида ҳам **капитал тараққиёт тарбия ва таълимдан бошланади.** Ёш авлодга йўналтирилган ҳар қандай сармоя эртага — кун келиб минг-минг ҳисса бўлиб қайтади. Шу маънода, Ўзбекистон ёшларига зўр ҳавас қилишдан бошқа ҳавас йўқ.

Мана шу олий мақсадларга эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Хусусан, Президентимиз 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида **"Бу соҳадаги ислоҳотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни сафарбар қиламиз. Қийин йўлни танлаяпмиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади",** дея бежиз айтмади. Бу ҳаёт-мамот масаласи.

Буни тўғри ва теран ҳис қилган ҳолда, биргина жорий йилнинг ўзида 527 та мактаб учун 2,5 триллион сўм фақатгина қуриш ва реконструкция ишларига, 605 миллиард сўм дарсликларни янгилаш мақсадига ажратилиши белгиланди.

Эътибор беринг, 527 та мактаб шу йилнинг ўзида тубдан янгиланади. Демак, уларда таълим олаётган минглаб фарзандларимиз Учинчи Ренессансга муносиб йигит-қизлар бўлиб вояга етади.

Таҳликали замонда яшаяпмиз, дедик. **Бу даврда ёшлар қалби учун кураш кетмоқда.** Қалб учун кураш. Глобаллашув уммонида бу ниҳоятда муҳим. Замонавий дунёда танклар ва пулемётлар билан жанг қилинмайди. Давлатлар учун атом бомбаси ҳам хавф туғдирмаслиги мумкин, лекин қалб маҳв этилса, қалб ўзга юрт томон оғдирилса, бу — даҳшат.

Қалб курашида енгилиш билан минг йиллик анъаналар ва қадриятларга путур етади. Шу тахлит мамлакатлар бой берилади.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу ўринда Президентимизнинг қайғуриб айтган мана бу гапи мағзини ҳар бир ота-она, устоз-мураббийлар тўла англаб етиши мақсадга мувофиқ бўлар эди: **"Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала, бу — ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур".**

Бу ўринда гап китобхонликни кенг тарғиб қилиш, фарзандларимизни болалигиданоқ жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш, уларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш каби ҳаётий масалалар ҳақида кетмоқда.

Биз нима учун зўр бериб маҳаллаларни ривожлантириш, бу ерда маънавий-маърифий муҳитни шакллантириш борасида қайғуряпмиз? Президент нима учун "маҳаллабай", "хонадонбай" тизими ишлаши керак, дея жон куйдиряпти?

Чунки катта муаммолар аввал оилада, маҳаллада "ўсади". Агар олди олинмаса, сўнг мамлакат бўйлаб қўр олади.

Шу боис, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Фаол маҳалла" моделини яратишга асосий эътибор қаратилган. 2022 йил мамлакатимизда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили", деб номланиши ҳам бежиз эмас. Жорий йилги давлат дастурида маҳаллаларни том маънода юксалтириш бош мақсад қилинган.

Президентимизнинг яна бир ҳаётий ташаббуси билан маҳаллаларга иккита "қанот" берилди. Хусусан, ҳар бир маҳаллада янги лавозим жорий этилди — ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари иш бошлади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда инсон капитали учун катта мақсадлар ва маблағлар сарфланмоқда. Ўз навбатида, халқимизда **"Янги Ўзбекистон орзуси"** пайдо бўлди. Бу нима дегани? Президентимиз таъбири билан айтганда, **Янги Ўзбекистон — барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси! Унда халқимизнинг азалий умид-ниятлари, юксалиш сари интилишлари ўзига хос тарзда акс этмоқда.**

Албатта, биз эришадиган катта ютуқлар ҳали олдинда. Бу йўлда қудратимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли. Бундай дейишга асосларимиз ҳам бор.

Бу ҳақда гапирганда юртдошларимиз онгида рўй берган яна бир муҳим ўзгаришни эътироф этиш кифоя. Бундан беш йил олдин, халқимизнинг умумий дунёқарашида "бўлаверади, бори шу, нима фойда, сенинг гапинг кимга ҳам қизиқ, оғзингга эҳтиёт бўл, шу кунинг ҳам кўпмиди", қабилидаги қўрқинч ва таҳлика зоҳир эди. Бугунги қараш: "ҳар биримиз қайғуришимиз керак", "юрт тақдирига, келажагимизга ўзимиз масъулмиз", "Президент шундай деган", "қонунлар халқ учун ишласин", "бизнинг маҳалла", "бизнинг Ўзбекистон".

Демак, ислоҳотлар ўз сўзини айтяпти.




ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# “ОБОД ҚИШЛОҚ”:
## манзили обод, кўнгиллари шод оқтомликлар

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Маҳалла аҳли иноқ, оқибатли. Ҳар бир хонадон ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ишсизлар иш билан таъминланяпти. Ана шундай ислоҳотларнинг бошида турган Президентимиздан миннатдормиз.

Ҳа, қарийб тўрт минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган, 1005 та хонадонга эга Оқтом маҳалласи бугун том маънода обод ва файзли гўшага айланди.

Маълумки, 2018 йил 29 март куни давлатимиз раҳбарининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги фармони, “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 20 февралда “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш



бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2021 йилнинг 2 апрелида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги қишлоқ ва маҳаллаларда тизимли равишда кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Оқтом маҳалласидаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳам айнан “Обод қишлоқ” дастури асосида рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик ишлари маҳсули эканлиги билан ҳам эътиборга молик.

### Янгича чирой очаётган маскан

— 2019 йилда маҳалламиз “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди, — дейди Оқтом МФЙ раиси Азиза Қўчқорова. — Бунинг учун давлат бюджетидан жами 8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Маҳалла ҳудудидаги 5 километр йўл асфальтланди. 175 та янги симёғоч ўрнатилди. Дастур доирасида маҳалламиз идораси учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳудудимизда жойлашган 30-умумий ўрта таълим мактаби таъмирланиб, замонавий ўқув жиҳозлари ва инвентарлар билан тўлиқ таъминланди. Маҳалла аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт майдончаси бунёд этилди. Шунингдек, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган муҳташам Маданият саройи ҳам қад ростлади. Тадбиркорлар томонидан 42 та дўкон, 1 та бозорча қурилиши ҳисобига нафақат аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ошди, балки уларнинг бандлиги ҳам таъминланди. Айни пайтда маҳалланинг 12 нафар фуқароси “Темир дафтар”га, 2 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб қилиш ҳисобига уларни бу рўйхатдан чиқариш чоралари кўрилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган фуқаролар қолмади.

Таъкидлаш жоизки, шу кунгача маҳаллада мактабгача таълим ташкилоти йўқ эди. Айни кунларда 180 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси барпо этилмоқда. Оқтомликларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун сўлим хиёбон ҳам бунёд этилаётир. Яқин орада бу ерда аттракционлар ўрнатилиши кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, маҳалла қиёфаси тамомила ўзгариб, том маънода, обод ва гўзал масканга айланиб боряпти.

### Уйи борнинг ҳаловати бор

Маҳаллада “Qishloq Qurilish Invest” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан 96 хонадонли тўртта кўп қаватли замонавий турар жой бунёд этилди. Шунингдек, икки сотих ер майдонига эга 20 та коттеж ҳам қурилиб, улар асосан имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқароларга берилди.






— Бобомдан қолган битта ҳовлида икки оила яшардик, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Одилжон Каримов. — Оиламиз ота-онам ва олти нафар фарзанддан иборат. Амаким ва янгам тўрт нафар фарзанди билан истиқомат қиларди. Оилали бўлдим. Икки нафар фарзандим шу хонадонда дунёга келди. Ёш оила бўлганимиз учун алоҳида уйга эҳтиёж туғилаверди. Қўлимда ҳунарим бор. Бўёқчилик билан шуғулланаман. Бу ишлар мавсумий бўлгани учун етарли миқдорда пул орттиришнинг имкони йўқроқ. Табиийки, уй сотиб олишга қурбим етмасди. Шу боис, имтиёзли кредит асосида уй олиш учун маҳаллага мурожаат қилдим. Моддий аҳволим ҳисобга олиниб, тегишли ташкилотлар кўмаги билан менга имтиёзли кредит асосида Оқтом маҳалласида қурилган янги кўп қаватли турар жойдан уй берилди. 2020 йилда оилам билан ўз уйимизга кўчиб ўтдик. Уйимиз уч хонали, замонавий таъмирланган. Газ, совуқ сув, иссиқ сув, иситиш тизими билан тўлиқ таъминланган. Аёлим билан икки нафар фарзандимизни катта қиляпмиз. Рўзғоримизнинг кам-кўстини тўлдириш учун ҳайдовчилик ҳам қиляпман. Ҳеч нарса одамнинг ўз уйига етмас экан. Биз ёшларга ана шундай шароит яратиб бераётган давлатимиз раҳбарига катта раҳмат.

Маҳаллада Одилжон каби узоқ йиллар уйсиз қийналган, маҳалла кўмаги билан ўз хонадонига эга бўлган ёшлар кўп. Улар яратиб берилган ана шундай имкониятларга жавобан турли соҳаларда фаолият юритиб, давлат ва жамият ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

### Бандлик масаласи маҳалланинг доимий эътиборида

2020 йилда Оқтом маҳалласида “Oqtom baraka chevarlari” корхонаси ишга туширилди. Мазкур корхонада маҳаллий хомашёдан болалар ва катталар учун трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, Россия ва Украинага экспорт қилинмоқда. 130 ўринга мўлжалланган корхонада айни пайтда 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизлар ҳам ишга жалб қилинган. Корхона сўнгги русмдаги 80 та замонавий тикув машинаси билан жиҳозланган. Бу ерда яна 80 нафар фуқарони иш билан таъминлаш имконияти бор. Корхонада фаолият кўрсатаётган тикувчиларга 1 миллион 800 минг сўмгача маош берилмоқда.

— Қалқонсимон безнинг катталашиши, яъни буқоқ касаллиги анчадан бери мени безовта қилиб келарди, — дейди Гўзал Юнусова. — Орада жарроҳлик амалиётини бошдан кечирдим. Шу боис, бир оз муддат ишлай олмадим. Тўғри, турмуш ўртоғим ишлайди, лекин уч нафар вояга етмаган фарзандимизни ҳеч нарсага зориқтирмай катта қилиш учун бунинг ўзи камлик қиларкан. Маҳалла менинг оилавий шароитимни ўрганиб, “Аёллар дафтари”га киритди. Қарангки, бу орада мазкур корхона иш бошлади. Шу корхонага тикувчи сифатида мени ҳам ишга қабул қилишди. Замонавий фабрикада биз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яхши маош оляпмиз. Қўшимча рағбатлантириляпмиз. Бепул иссиқ овқат берилади. Биз аёлларга кўрсатилаётган эътибордан бошимиз кўкка етмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил ислоҳотларнинг самарасини биз ўз ҳаётимизда, турмушимизда ҳис қилиб яшаяпмиз.

### Замонавий иссиқхона — истиқболли лойиҳа

Маҳалла ҳудудида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, бунинг учун иссиқхона хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини қишин-ёзин деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қолаверса, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

“EUROGARDEN” масъулияти чекланган жамияти томонидан 12 гектар майдонда қурилаётган, қиймати 10 миллион доллар бўлган йирик ва истиқболли лойиҳа — замонавий иссиқхона ана шундай имкониятларга эга бўлиши билан аҳамиятли. Бу ерда барча замонавий инфратузилмаларга эга логистика маркази ҳам қад кўтармоқда.

— Нафақат мазкур маҳалла, балки Тошкент туманида бу каби юқори технологияли, томчилатиб суғоришга асосланган иссиқхона мавжуд эмас эди, — дейди “EUROGARDEN” МЧЖ раҳбари Бобур Асланов. — Биз бунёд этаётган иссиқхона плёнка билан эмас, балки ойналар билан ёпиб чиқилади. Бу иссиқхонадан узоқ муддат фойдаланиш имкониятини яратиш баробарида, ҳосилдорликни ошириш имкониятини ҳам беради. Унинг ҳар бир гектарида йилига 650 тоннагача помидор етиштирамиз. Кейинги блокларга эса булғор қалампири экмоқчимиз. Иссиқхона тўлиқ ишга тушса, 130 нафар кишининг бандлиги таъминланади.

Айтиш жоизки, маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш мақсадида иссиқхонани кўмир воситасида иситиш режалаштирилган. Иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмалар ўрнатилди ва яқин икки-уч ой ичида иссиқхона ишга туширилади.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Оқтом маҳалласида қилинган ишлар жуда кўп. Биз уларнинг асосийларинигина қаламга олдик, холос. Муҳими, бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари маҳалла аҳлининг турмуш фаровонлигини ошириб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Ана шу мамнунлик уларни бир ёқадан бош чиқариб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

НУҚТАИ НАЗАР

# ИШОНЧЛИ, ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ
## ҳар қандай вазиятда муҳим ва халқимизни бирдамликка чорлайди

**Шу йил 25 январь куни Марказий Осиё, жумладан, мамлакатимизда электр таъминоти бўйича содир бўлган техник узилиш бир зумда бутун минтақа ҳаётида кучли акс-садо берди. Ушбу фавқулодда ҳолат аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиш, очиқлик сиёсати нақадар муҳимлигини амалда яна бир бор тасдиқлади.**



Мадамин САФАРОВ,
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари

Мамлакатимиз энергетика, нефть-газ, коммунал соҳа, транспорт, ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ўзаро баҳамжиҳат ишлагани ҳисобига авария оқибатларини босқичма-босқич бартараф этишга муваффақ бўлинди, энг муҳими, кўп миллионли халқимиз саросимага тушмади, вазиятни тўғри қабул қилиб, аҳволни тиклашда жонбозлик кўрсатаётган барча соҳа вакилларига хайрихоҳ бўлиб турди.

Президентимиз ўтган ҳафта видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, аввало, шароитни тўғри тушунган юртдошларимизга, ушбу вазиятни бартараф этишда жонбозлик кўрсатган барча соҳа ва идоралар ходимларига, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ вакилларига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, халқ орасида ишончли ва холис ахборотга бўлган эҳтиёж каррасига ошган бундай дамларда оммавий ахборот воситалари зиммасига аниқ ҳаракат қилиш, ишончли ахборот тўплаш ва уни тезкор етказишдек катта масъулият юкланади.

Ўша куни электр таъминоти батамом ўчган бўлса-да, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий каналлари бир лаҳзага ҳам ўчиб қолмади. Бунда худди шу каби вазиятларда телеэфирни электр энергияси билан таъминловчи муқобил манбалар тўлиқ шай ҳолатга келтириб қўйилгани иш берди: эфирлар ўчмади, асосийси, ўз вақтида тезкор ва ишончли ахборотлар мунтазам етказиб борилди, халқимиз вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиб турди.




Электр токисиз телевизор кўриб бўлмайди-ку, дерсиз. Бу борада бир жиҳатдан ҳақсиз. Аммо бугунги ахборот-коммуникациялари ривожланган даврда ахборот узатишнинг йўллари, усуллари кўпайиб боряпти. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилгани фавқулодда вазиятларда ахборотни етказиш бўйича жуда ҳам қўл келди. Яъни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ОТТ (Over the Top) платформаси (интернет тармоғи орқали теледастурларни намойиш этиш тизими) ишга туширилгани томошабинларнинг ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртдошларимизнинг аксарияти интернет орқали МТРКнинг ОТТ платформасида электр таъминотидаги узилиш сабаблари ва уни бартараф этиш бўйича кўрилаётган тезкор чора-тадбирлардан хабардор бўлиб борди.

МТРК томонидан бу борада олиб борилган изланишлар, яъни телевидениени интернет тармоғига интеграциялаштирган ҳолда иш ташкил қилингани ўз самарасини берди. Ушбу платформага кўп бўлмади, лекин уни доимий кузатаётганлар сони 10 миллионга яқинлашмоқда. Фавқулодда вазият рўй берган ўша кунларда ОТТ платформаси орқали МТРК телеканалларини томоша қилганлар сони рекорд кўрсаткичга етди, десак адашмаган бўламиз.

Ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган бу янгилик тобора оммалашиб боряпти, бу платформа, айниқса, турли сабабларга кўра, чет элларда яшаётган юртдошларимиз орасида анча машҳур. Мазкур платформа орқали телеканалларимизни дунёнинг бир юз элликка яқин давлатида юқори тиниқликда кузатиб бориш имконияти мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, Ўзбекистон МТРК ОТТ платформаси томошабинларининг асосий қисми ёшлардир. Чунки ҳозирги ёшларнинг аксарияти ахборотни интернетдан олиши сир эмас. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, хориждаги юртдошларимизнинг оилаларида, айниқса, “Болажон” телеканали кўпроқ кўрилади, бу олисдаги юртдошларимизнинг ўз фарзандлари орасида ўзбек тилини сақлаб қолиш хоҳиш-истаги билан боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада бўлганидек, телевидениеда ҳам рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги замонда фақат рақамлашган телевидение интернет тармоғида ҳам рақобатбардош бўлиши ва ўз ўрнини сақлаб қолиши мумкинлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. МТРК ОТТ платформаси айнан рақамлаштириш ва замон билан ҳамқадам, ҳамнафаслик маҳсулидир.

Кези келганда айтиш керакки, МТРКда эфирга узатилаётган кўрсатувларнинг барчаси кўримли, деган фикрдан йироқмиз. Телеканаллар савияси ва мазмунига нисбатан томошабинлар томонидан билдирилаётган ҳар бир эътироз, танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлар кузатилиб, таҳлил қилиб борилади, тегишли хулосалар чиқарилади. Телеканаллар фақат томошабинлар учун ишлар экан, уларнинг эфирлар ҳақидаги фикри, таклиф-мулоҳазалари, танқидий қарашлари ҳамиша қадрли ва бу бизни доимий ўз устимизда ишлашга ундайди.

Телеканалларимизда жонли эфирлар ҳажми ошиб, жиддий мулоҳазага чорловчи, баҳс-мунозарага асосланган ток-шоулар кўпайиб бораётгани ҳам томошабин талабидан келиб чиқиб ишлаётганига бир мисолдир.

Интернет журналистикаси ва ижтимоий тармоқларнинг тез ривожланаётгани, оммалашаётгани ва уларнинг нисбатан тезкорлигига қиёслаганда, телеканалларнинг ахборот-таҳлилий дастурлари бир оз кечикиб берилаётгандек таассурот уйғотиши мумкин. Лекин дунё ахборот маконида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган телеканаллар ҳар бир хабарнинг ҳаққонийлигини текшириб, таҳлил қилиб, тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилганидан сўнггина эфирга узатиш анъанасидан заррача чекинмаганини таъкидлаш лозим. Омма эътиборига ахборот тарқатишдаги бундай ёндашув одамларни чалғитишдан асрайди, ҳар бир ҳолат юзасидан тўғри қарор қабул қилишга асос бўлади.

Дарвоқе, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан телевидение ва интернет тармоғини бирлаштириб, интеграция қилинган ОТТ платформасини кузатиш учун uztv.tv иловасини юклаб олиш ёки шунчаки кириб кўриш мумкин. Платформа орқали кўрсатувларни айни дамда кузатиш, кечаги ёки бир ой олдинги эфирни қайта кўриш каби кўплаб имкониятлар мавжуд.

## БУГУННИНГ ГАПИ

**“Агар кимда-ким мактаб бу фақат Халқ таълими вазирлигининг иши, деб ўйласа, мутлақо янглишади. Мактаб таълими соҳасидаги ислоҳотлар вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин”.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МИЛЛАТНИ УЙҒОТИШ – УЙҒОНГАНЛАРНИНГ ВАЗИФАСИДИР



**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира**

Бошланиши 1-бетда

### Дунё таниган донишманддирмиз, аммо мактаб олдида ўқувчимиз

Дунёга донғи кетган саҳийдирмиз, бойдирмиз, аммо ёш авлодга мактаб каби улкан хазина — илм, маънавиятни беролмаймиз. Ҳар ойда, ҳафтада тўпланиб, ресторанлар, кафелар, кўнгилочар жойлар, томошалар, қанча базму жамшидларга бориб, фароғат истаётган кўнгилларимиз кўчаларини мактаб сари бура олсак қани эди. Дўстлар, синфдошлар, курсдошлар, маҳалладошлар, ҳамкасблар тўпланиб, мактабларга ташриф қилишга куч, вақт топа биламизми? Синф хонасига ҳеч йўқ ойда бир марта эгилиб кира олсак, эртамиз эгаларининг мактаб кутубхонасига ташрифини кузатсак ва жўяли хулоса қилсак эди...

* * *

“Тошкент жадидчиларининг отаси”, дея ном олган Мунавварқори Абдурашидхонов маҳбусликда бир аризасини шундай ёзган экан.

*Маҳбусдан ариза (1930 йил)*

Восточний отдел уполномочени ўртоқ Агидулинга
таржимаси: ўртоқ Карутскийга, ҳам Московдан келган ўртоққа.

*“Бу жаҳолат хоҳишидирки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидан чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарға сарф этмакдадурлар”.*

Бу мактубнинг бир қисми холос. Уни ўқиб туриб, жадидчи бобомиз фақат миллатимиз эшитиши керак бўлган бу гапларни аризанинг орасига нега қўшди экан, деб ўйлайман.

Ҳамма замонларда бўлганидек, умрни миллат фойдасига, иқтидорини илм йўлига эмас, маишатга ишлатган арслонкелбат йигитлар кўп бўлган. Яна бир гап: Мунавварқори турмадаги бу хату ҳужжатлар архивларда сақланишини олдиндан билган ёки сезган. Шунинг учун йиллар оша бу мактублар авлодлар қўлига тегса, улар ҳам ўқисинлар ва кечирилмас хатоларга йўл қўймасинлар, деган бўлса керак.

Маърифатпарвар жадидларимиз бутун ҳаётини миллатни уйғотмоқликка бахш этиб, бу йўлдаги азоблардан ортга чекинмаган. Улар мактаблар очган, дарсликлар ёзган, минг машаққат ила газеталар чоп этган. Театр труппаларини ташкил қилиб, спектакллар ҳам қўйган. Бироқ уларни бу эзгу ишларидан маҳрум этмоқчи бўлган кимсалар минг бир туҳматлар билан маърифатпарвар боболаримизни қатағон қилган, турмаларга ташлаган, шафқатсизларча азоб-уқубатларга гирифтор қилган.

### Маънавият нури сари чорлаганлар

Бизнинг жадид боболаримиз очлик ва касалликдан тинкалари қуриб, устухонлари чўпдек бўлиб қайтиб келса-да, яна маърифат гулшанини ёқишга интилган, мактаблар очиб, газеталар чоп этган.

Уларнинг қўлёзмалари йўқ қилинган, нашриётларига қулф урилган, Мактабларига ўт қўйилган, газеталари ёқиб ташланган. Хатарлар, хиёнатлараро кечган ҳаёти ҳамиша ўлим хавфи билан ёнма-ён турган. Лекин улар ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам илму маърифат йўлида собит турган. Шеърлар ёзиб, кенг майдонларда сўзга чиққан, миллатни, халқни маърифат, маънавият нури сари чорлайверган.

Мунавварқори Абдурашидхонов, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Ибрат, Сўфизода, Ҳамза, Шакурий, Ажзий, Убайдулла Асадуллахўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Файзулла Хўжаев, Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салим ва бошқа яна қанча-қанча азизларнинг қисмати шу эди.

### Биз-чи? Биз нима қиляпмиз?

Одатда, ўзимиз истиқомат қилаётган ҳудуддаги мактабдан битта ҳам ўқувчи бу йил олий ўқув юртига ўқишга кира олмаган бўлса, бунинг учун, аввало, мактабни айблаймиз. Яшаётган маҳалламиздаги бирон ўқувчи жиноят қилса, ота-онасидан олдин мактаб директори, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, синф раҳбари ички ишлар бўлимига чақиртирилади.

Ярим кечаси бўлса ҳам шу мактабнинг мутасадди раҳбарлари жавобгар сифатида масъулиятни зиммасига олади. Улар орқали боланинг ота-онасига хабар юборилади. Ота-она келганида ҳам, гарчи воқеа мактабдан ташқарида бўлган бўлса-да, мактаб маъмуриятига чора кўрилади. Нега шундай? Қани жамоатчилик? Фарзандининг қаердалигини билмайдиган ота-онага ўз бурчи ва масъулиятини ким тушунтиради? Қўни-қўшнининг бефарқлиги ва томошабинлиги қачон тугайди?

ди, чумолилар уйларига дон ташийди... Тўғри, сиз ҳам ишлайсиз, ҳориб ишдан қайтасиз ва уйга келиб ором оласиз.

Лекин фарзандингизга таълим бераётган ўқитувчилар ҳам куни бўйи тик оёқда туради. Ҳар куни 30-40 нафар ўқувчининг билимини ошириш, тафаккурини кенгайтириш учун кечгача дарс ўтади, ҳар бир боланинг характерига мослаб алоҳида тарбиявий ёндашади.

Яна қанча қоғозбозликларга жавоб ёзиши, тўгарак ишларини олиб бориши, ўқувчиларни ўз фани бўйича олимпиадаларга тайёрлаши керак бўлади. Бундан ташқари, ўзи раҳбар бўлган синфдаги оиласи нотинч ҳар бир хонадонга бориши ва уларнинг ғайриоддий гап-сўзларига чидаши, айни пайтда, ўша оиланинг маънавий муҳитига ижобий таъсир ўтказиши лозим бўлади.

### Қалби уйғоқлар бошқаради

Қайсики ўқувчи ўз ўқитувчисини ҳурмат қилмас экан, бошқаларга ҳам беписанд муносабатда бўлади. Қалбида устозга эҳтироми йўқ ўқувчи ҳурматсизликка, беписандликка кўникиб бораверади. Бу эса охир-оқибат уни тубсиз жарга етаклаши муқаррар.

Ўқитувчининг ҳам ўз оиласи бор. У шунча ўқувчига билим, таълим-тарбия бериш баробарида фарзандларига ҳам алоҳида эътибор қаратиши керак бўлади. У ўз уйида меҳрибон, ғамхўр ота-она, керак бўлганда ҳамшира, ошпаз, фаррош, тикувчи, ўрни келса, боғбон ва деҳқон бўлишга мажбур.

Ўқитувчи ҳам иссиқ жон: бетоб бўлиши, оғриши бор. Шундай бўлса-да, бу касб эгалари ўз соҳасини жуда севади. Ўтаётган умридан ва қилаётган хизматидан рози бўлиб яшашга интилади. Мактабсиз, ўқувчиларисиз кунларини тасаввур қила олмайди. Ҳа, улар шундай фидойи касб эгаларидир.



Илм даргоҳига, устозларга ҳурмат кўрсатишда ўрнак бўлишимиз, мактаб муқаддас бир макон эканлигини тушунтиришимиз шарт.

### Виждонимиз қийналмайдими?

Биз, боласини ўқитиш учун ўз уйини сотиб, эскириб кетган улови ичида яшаётган бир ҳиндчалик эмасмизми? Қизчасини совуқда мактабга олиб бориб келиш учун, ўзига хос ихтиро: митти уйчани велосипедга ўрнатган сенегаллик отачалик келажакка ишончимиз йўқми? Ёки ўзи оёқяланг юриб боласининг олий ўқув юртида ўқишига пул топиб берган африкалик деҳқончалик тафаккуримиз йўқми?

Ваҳоланки, боласини отига миндириб қорли тоғ йўлларию қирлар оша ҳар кун мактабга олиб келган ва ҳар куни олиб кетган бизнинг ота-боболаримиз эдику?! Ўғил-қизлари мактабга кийиб бориши учун бор йўғини сарфлаб, уларга қишки кийим олиб бериб, ўзи қаҳратон қишда қирқ ямоқ чопон кийган оталаримиз руҳи олдида виждонимиз қийналмайдими?

Бола тарбияни аввало оиласида олади. Ўша тарбия билан мактабга келади. Агар тарбияда норасоликка йўл қўйган бўлсак, ўқитувчиларга қийин бўлади. Унинг тарбиясизлиги беҳаёликка, ҳаёсизлиги суст эътиқодга, маънавий мажруҳликка олиб келади.

Баъзи оилалар бола тарбиясини бутунлай мактаб ва ўқитувчилар зиммасига ташлаб қўйди. Уй вазифаларини бажармайдиган, дарсда синфдошларига халақит бериб, ўқитувчини ҳақорат қиладиган, дарсдан қочадиган айрим ўқувчиларнинг яқинлари мактабга чақирилса — бормайди. Ота-онани излаб, уларнинг уйига келган ўқитувчиларга жавоби ҳам тайёр: “Мен боламни боқиш учун тиним билмай ишлаб юрибман”.

Барака топгур, ҳатто ҳайвонлар ҳам боласини боқади — қушлар полапонига тумшуғида емак тута-

Жорий йилнинг 28 январь куни Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантирш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари мактаб таълими ҳаёт-мамот масаласи эканлигини таъкидлаш баробарида, мактаб таълимини ислоҳ қилиш Кенгашлари тузилишини билдирди ва уларга **“шахсан ўзим раҳбарлик қиламан”,** дея таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 300-мактаб директори Нигора Саидхўжаева эса Президентимиз томонидан **“Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси”** унвони билан тақдирланди.

2020-2021 ўқув йилида мазкур мактаб битирувчиларинг 82 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Бу юксак унвон 5 мингдан ортиқ ўқувчиларга таълим бераётган 300-мактаб педагогик жамоасининг ва юртимиздаги барча ўқитувчиларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

**— Бу соҳа ислоҳотларини кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимизни сафарбар қиламиз. Қийин йўлни танлаяпмиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади,** — деди Президентимиз.

Ҳа, Халқ таълимининг билим жавоҳиротлари ортилган карвони бир дунё эзгу мақсадларни ортмоқлаб, нурли манзиллар сари йўлга чиқди. Бу йўлни босиб ўтмоқ осон эмас. Уни фақатгина қалби уйғоқлар бошқаради.

Зеро, аллома Абдулҳамид Чўлпон айтганидек, ҳамма замонларда ҳам **“Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифасидир”.**

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ



# ИЖОД МАКТАБЛАРИ – АДАБИЁТ ЧАШМАЛАРИ

**Айни вақтда юртимизнинг турли ҳудудларида атоқли адиблар номи билан аталадиган 9 та Ижод мактаби фаолият юритиб, уларда 1495 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Ушбу мактабларда жами 32 та ижодий тўгарак бўлиб, улар адабиётга оид 8 йўналишда 1300 нафар ўқувчини қамраб олган.**



**Маъмура ЗОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи**

Ўтган ўқув чоракларида ижод мактаблари миқёсида ўтказилган 80 га яқин маҳорат дарсларининг аксарияти онлайн шаклда бўлганига қарамай, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Машғулотларни Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва олий ўқув юртларининг тажрибали ўқитувчилари олиб борди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2021-2022 ўқув йилида барча ижод мактабларида маҳорат дарсларини самарали ташкил этиш, устоз-шогирд анъанаси асосида истеъдодли ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида Ўзбекистон халқ ёзувчилари, шоирлари, тажрибали адабиётшунос ва тилшунос олимлар бириктирилди.

Ёзувчилар уюшмасининг Президент таълим муассасалари агентлиги билан ҳамкорликдаги қўшма қарорига кўра, мактабларда маҳорат дарслари аввалдан белгиланган мавзуларда амалга оширилади. Машғулотларни шоир ва ёзувчилар — Усмон Азим, Эркин Аъзам, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Исажон Султон, Маҳмуд Тоир, Энахон Сиддиқова, Кенгесбой Каримов, Хуршид Дўстмуҳаммад, адабиётшунос олимлар Сувон Мели, Баҳодир Каримов, Ҳамидулла Болтабоев, Қозоқбой Йўлдошев, Нурбой Жабборов, Олимжон Давлатов, таниқли шоира ва ёзувчилар — Зулфия Мўминова, Умида Абдуазимова, Луқмон Бўрихон, Фарида Афрўз, Наби Жалолиддин, Собир Ўнар, Шодмонқул Салом, Ҳумоюн Акбаров ва бошқалар олиб бориши режалаштирилган.

Шунингдек, ижод мактабларида ўқувчиларнинг ёдида қоладиган, уларга ҳаёт ва ижоддан сабоқ берадиган ижодий учрашувлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Бундан ташқари, истеъдодли ёш ижодкорларни тарбиялаш мақсадида ижод мактаблари ўқувчиларининг ҳар 10 нафари жанрлар кесимида ҳудудлардаги шоир ва ёзувчиларга бириктирилган, улар ижодкор ўқувчилар билан мунтазам учрашиб, ижодий сабоқлар беради.

Ижод мактаблари деганда, кўпчилик бўлажак ёзувчи ва шоирлар таълим оладиган таълим даргоҳини тушунади. Ижодга мойиллиги бор ёшларнинг алоҳида яратилган бу имкониятдан кенг фойдаланаётгани яхши, аммо бу мактабларда ўқиётган барча ўғил-қизлар келажакда ёзувчи ёки шоир бўлавермайди. Бизга яхши журналист, адабиётшунос, тилшунос, психолог, матншунос, манбашунос, таржимонлар ҳам керак. Қайси соҳада бўлмасин, бадиий адабиётни чуқур мутолаа қилган ёшлардан етук мутахассис чиқади. Шу маънода, мазкур мактаблар таълимидан миллий тилимизни ва адабиётимизни чуқур ўзлаштирган ёш авлод тарбияси кўзда тутилган.

2021 ўқув йили якунига кўра, 6 та ижод мактабини жами 160 нафар ўқувчи битирди. Шулардан 50 нафари юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртларига давлат гранти асосида, 61 нафари тўлов-контракт асосида қабул қилинди. 48 нафар ўқувчи эса хорижий олий таълим муассасалари талабаси бўлди.

2021-2022 ўқув йили учун ижод мактабларига республика бўйлаб ижодкор ўқувчиларни қамраб олиш мақсадида барча мактаблардаги ижодий имтиҳонларга Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, педагоглар ва олимлар жалб этилди. Ижодий имтиҳон натижаларига қараб ўқувчилар тест синовларига киритилди, ижодий салоҳиятга эга ўқувчиларгина мактабларга қабул қилинишига эришилди.

Ижод мактаби ўқувчиларининг республика миқёсида ташкил этилган турли танловларда фаол иштирок этиб, яхши натижалар кўрсатиб келаётгани кўплаб ўғил-қизларнинг бу мактабларда ўқишга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида “Республика ёшлар овози” фестивали доирасида “Бўзатов шеърият кунлари” лойиҳаси ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 14 нафар ёш ижодкор қаторида ижод мактабларининг 20 нафар истеъдод эгалари ҳам мазкур фестивалга жалб этилди. Унда ижод мактаби ўқувчилари энг фаол иштирокчилар бўлгани учун “Бўзатов илҳомлари” баёзига ижод мактаби ўқувчиларининг ижод намуналари киритилди.

Ижод мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Абдулла Орипов издошлари”, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони” кўрик-танловларида ҳам ижод мактаби ўқувчилари фаол иштирок этди. Танлов жараёнини кузатиб бориш ва ҳакамлар ишида иштирок этиш учун Абдулла Орипов ва Ўткир Ҳошимовнинг оила аъзолари ҳам таклиф этилди. Абдулла Ориповнинг умр йўлдоши Ҳанифа ая Мустафоқулова ижод мактаби ўқувчиларининг билимдонлигини кузатар экан, “Мен ҳозиргача шоир Абдулла Орипов ижодини бунчалик чуқур биладиган ўқувчиларни кўрмаган эдим”, дея мамнуният билан танлов ташкилотчиларига ташаккур билдирди.

Фарғонадаги адабиёт кунлари доирасида ташкил этилган “Тонг нафаси илҳомлари” танлови ижод мактаби ўқувчиларининг илмга ташна, зукко, иқтидорли эканликларини яна бир карра намоён қилди.

Эзгу ташаббуслар билан чиқаётган, Ижод мактабини битириб, олий таълим даргоҳларида ўқиётган бир қатор талабалардан иборат “Qanot” қизлар ҳаракатининг хайрли ишлари ижтимоий тармоқларда эълон қилинди ва кўпчиликни қувонтирди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қизлар энг яхши, юқори савияда ёзилган бадиий китобларни одамларга беғараз етказиб, уларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Яқинда Президентимиз раислигида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мавжуд кутубхоналар имкониятидан самарали фойдаланиб, китобхонликни оммалаштириш алоҳида таъкидланди. Шу маънода, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ижод мактабларига мунтазам равишда бадиий китоблар етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ёшлар бўлими томонидан Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги мактабларнинг ҳар бирига кутубхона учун 250 тадан бадиий китоб тақдим этиш мақсадида китоб банки тўпланмоқда. Китоб мутолааси ёшларнинг дунёқараши ўсишида катта аҳамиятга эгалигини ҳисобга олган ҳолда, ижод мактаблари ўқувчилари китобхонлигига алоҳида эътибор қаратилган. Умуман, мамлакатимизда умуммаданиятни янада кўтариш, ёшларнинг илм-фанга, адабиётга бўлган иштиёқини ўстириш ва қўллаб-қувватлаш йўлидаги самарали ҳаракатларда Президент таълим муассасалари ҳамда Ижод мактаблари билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади.

Ўтган ўқув йилида уюшма томонидан 200 номдаги “Танланган асарлар”, “Назм бўстони”, “Биринчи китобим” серияларидаги китоблар жамланмаси чоп этилиб, ижод мактабларига тақдим этилди. 2021 йил давомида эса Ижод мактаблари ўқувчиларидан 15 нафарининг кичик тўпламлари нашр этилди.

Барча Ижод мактаби ўқувчилари ижодидан жамланган “Назм боғидан гулдаста” тўплами чиройли кўринишда қайта чоп этилди. Китобга 2020 ўқув йилида 100 нафар, 2021 ўқув йилида 285 нафар ўқувчининг ижодий ишлари киритилган. Жорий йилдан бошлаб Президент таълим муассасалари агентлиги билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими томонидан республикадаги барча ижод мактабларида эски ўзбек ёзуви бўйича тўгарак машғулотларини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар ва тўгарак машғулотларини олиб боришга оид лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Кўп асрлик маънавий хазинамиздан баҳраманд бўла оладиган, унинг мазмун-моҳиятини халққа етказа оладиган матншуносларни етиштириш зарур вазифалардан биридир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 238.
75437 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:10